Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 29 (480) 2021 йил 16 апрель, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида 15 апрель куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудга бундан олдинги ташрифи 2019 йилнинг январь ва июль ойларига тўғри келган эди.

Ташрифлар чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туман ва шаҳарларда бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганди. Шу асосда дастурлар ва уларни амалга ошириш "йўл харита"лари тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўтган йил пандемия айрим лойиҳаларни амалга ошириш, қурилиш ишлари суръатига салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёзлар туфайли белгиланган режа ва дастурлар ўз вақтида бажарилди.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда қиймати 580,3 миллиард сўмлик 100 та лойиҳани ишга тушириш белгиланган бўлса, амалда 832,1 миллиард сўмлик 248 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 800 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Жумладан, саноатда 55 та, хизматлар соҳасида 114 та, қишлоқ хўжалигида 79 та лойиҳа татбиқ этилди.

Президентимизнинг вилоятдаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви Самарқанд халқаро аэропортидан бошланди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида 1967 йилда қурилган ушбу "ҳаво бандаргоҳи"ни модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Лойиҳа доирасида янги терминал, учиш-қўниш йўлаги, тураргоҳ ва бошқа объектлар барпо этилиши белгиланган. Бугунги кунда узунлиги 3 минг 105 ва эни 60 метр бўлган учиш-қўниш йўлаги қурилиши тугалланиб, ёритиш-сигнал чироқлари ва аэронавигация ускуналари ўрнатилмоқда.

Президент дастлаб халқаро авиация стандартлари асосида қурилган учиш-қўниш йўлагини кўздан кечирди.

Янги терминал замонавий дизайнга, бир соатда 1000 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Илгари бу кўрсаткич 400 нафар эди.

– Одамларга қулайлик яратиш асосий мақсад бўлиши керак. Бунинг учун "ақлли технологиялар"ни қўллаш, хизматларни арзон, сифатли, тезкор қилиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Турли ҳажмдаги самолётлар учун 24 та тураргоҳ барпо этилмоқда. Шундан учтаси "ҳаво кемалари"га музлашга қарши ишлов бериш учун мўлжалланган бўлади.

Аэропортда карго хизмати ҳам йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, юк ташиш рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

– Карго барқарор ва манфаатли бўлиши учун доимий юк керак. Бунинг учун самолётларга хизмат кўрсатиш, юкларни ортиш ва етказиб беришни арзон ва тез йўлга қўйиб, бошқа авиакомпанияларни жалб этиш зарур. Бундан ташқари, вилоятда экспортбоп мева-сабзавотларни кўпайтириб, уларни шу карго орқали жаҳон бозорига чиқариш мумкин, – деди Президент.

Янги аэропортни жорий йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундан сўнг, у "очиқ осмон" режимида тўлиқ ишлай бошлайди. 1000 киши иш билан таъминланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган эди.

– Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, ислом оламидаги мақомига муносиб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиёрат туризмининг асоси аслида шу ер. Бу масканга қанча зиёратчилар келса ҳам, қулай шароит бўлиши зарур, – деган эди Шавкат Мирзиёев ўшанда.

Шунга мувофиқ, мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президент ҳузурида бир неча бор тақдимот қилиниб, такомиллаштирилди. Жаҳон тажрибаси ҳам ўрганилди.

2021 йил муборак Рамазон кунларида ушбу зиёратгоҳнинг қурилиши бошланди. Шу муносабат билан бу ерда нуронийлар ва зиёлилар билан учрашув бўлди.

Шавкат Мирзиёев мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан муборакбод этди.

– Рамазон ойи – эзгу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой. Бу қурилишни шу ойда бошлаётганимиз ҳам хайрли, хосиятли бўлади, қалбимизга таскин беради. Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад – исломга эътиқодимизни, аллома боболаримизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч, – деди Президент.

Ўтган йили пандемия туфайли Рамазон ойида диний амалларни уйда бажаришга тўғри келгани ёдга олинди. Бу йил эса масжидларимиз очиқ, мўмин-мусулмонлар карантин қоидаларига қатъий амал қилиб, ибодатларини адо этмоқда. Кексалар, ногирон ва ёрдамга муҳтож инсонлар, кам таъминлаган оилаларга беғараз кўмак кўрсатилмоқда. Айниқса, бутун дунё оғир инқирозни бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб вазиятда бу жуда муҳимлиги таъкидланди.

2-бет

### Шу куннинг гаплари

Қорақалпоғистон Республикасининг 9 та туманида **2 трлн 476 млрд** сўмлик **66** та инвестиция лойиҳалари ишга туширилади.

Хоразмнинг Хонқа туманида 1000 бош қорамол боқиладиган чорвачилик мажмуасига тамал тоши қўйилди. Қиймати **20 млрд** сўмлик ушбу лойиҳа туфайли 50 дан ортиқ киши ишли бўлади.

Ўтган йили Сурхондарё вилояти ўрмон фондидан **17 663** гектар майдон 538 фуқарога инвестиция киритиш ва иш ўринлари яратишга берилганди. Лойиҳа ўзини оқлади, бу йил **2 600** гектар ер хусусий секторга ижарага берилди.

**Бухоро халқаро аэропортининг 2–терминали** қайта реконструкция қилиняпти. У замонавий ускуналар билан жиҳозланади ва соатига 400 йўловчини қабул қилиш имконият яратилади.

Оҳангарон туманининг "Чувилдоқ" МФЙда "Обод маҳалла" дастури бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш фондидан **27,5 млн** сўм ажратилиб, темир-бетон симёғочлар ўрнатилди.

## Бунёдкорлик майдонига айланган Самарқанд

### халқаро анжуманга пухта ҳозирлик кўрмоқда



**Ҳаёт МИРЗОЕВ,**
Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори.

**2022 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Саммитининг навбатдаги йиғилишига Ўзбекистон мезбонлик қилади. Саммитнинг асосий тадбирлари Самарқандда ўтказилиши белгиланган. Анжуманга тайёргарлик жараёни анча илгари бошланган эди. Жойларда ободончилик ва бунёдкорлик юмушлари амалга оширилиб, маданий-маиший иншоотлар қад ростламоқда, кўчалар таъмирланяпти. Президентимизнинг "2022 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Саммитига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишида ҳам Саммит доирасида амалга оширилиши режалаштирилган барча юмушлар белгилаб қўйилган.**







Ҳужжатга мувофиқ, ташкилий комиссия тузилиб, чора-тадбирлар белгиланди. Айни пайтда вилоят ҳокимлиги қурилиш бош бошқармаси биносида фаолият бошлаган комиссия анжуман тадбирларига тайёргарликни бошлаган. Вилоятда Саммит билан боғлиқ 4 249 та объектда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш юмушлари олиб борилмоқда. Ишни сифатли ва муддатида якунлаш мақсадида 20 та лот ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирига республика вазирликлари, идоралари, банклари ва лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари вакиллари бириктирилган. Шунингдек, Қурилиш вазирлиги томонидан малакали мутахассислар ажратилиб, уларнинг тавсиялари ҳам инобатга олинмоқда. Комиссия хулосаси бўйича ҳозиргача 500 га яқин иншоот қабул қилишга тайёр, 600 тасида иш қизғин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга тегишли бино ва хонадонлар давлат ёки ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланиб, зарур ёрдамлар кўрсатиляпти.

2-бет

## Бўлажак "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла"ларни саралаш қайси босқичда?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Президентимизнинг "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2021 йилда барча туман ва шаҳарлардаги саккиз мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши белгиланди.**

Ҳозирда вилоятлар қурилиш бош бошқарма ва туманлар қурилиш бўлими бошлиқлари ҳамда бириктирилган лойиҳа ташкилотлари Қурилиш вазирлигида ўз ҳудудларининг ободонлаштириладиган қишлоқ ва маҳаллаларининг бош режа схемалари тақдимотини ўтказишмоқда. Унга кўра, "Обод маҳалла" дастури доирасида **шу кунгача республикадаги 166 тумандан 332 маҳалла ва 42 шаҳардан 84 маҳалла дастлабки ободонлаштириш режасига киритилди.**

Қишлоқ ва маҳаллаларни ким қандай эслайди? Тор ёки кенг, қумлоғ-у ёлғизоёқ, кўчиб кетган асфальт йўллар, бирда оддий шиферсиз, сувоғи кўпчиган ёки хароба уйлар, бошқасида электрсиз симёғочлар ёки табиий газсиз темир қувурлар...

Маълумотларга кўра, 1991 йил ўзбекистонликларнинг урбанизация даражаси 40,6 фоиз ёки умумжаҳон ўртача стандартидан 10 фоизга кам эди. Бугун ўзбекистонликларнинг ярмидан ортиғи шаҳар ҳудудларига қамраб олинди. Эътиборлиси, сўнгги йилларда мамлакатнинг минглаб қишлоқ ва маҳаллалари ҳам шаҳар шароитидан қолишмайдиган обод масканларга айлантирилмоқда. **Ўтган 3 йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини молиялаштиришга 9,0 триллион сўмдан кўп маблағ йўналтирилган. Натижада, 1117 та қишлоқ ва маҳаллаларда электр, ичимлик суви, газ тармоқлари ҳамда йўл ўтказилиб, бунда 4,5 миллион аҳолининг турмуш даражаси яхшиланган.**

Албатта, бундан кейин ҳам обод масканлар кўпаяверади.

– Яқинда Қурилиш вазирлигида ZOOM онлайн алоқа платформаси орқали видеоселектор ўтказилди, – дейди Қурилиш вазирлиги Бош режалар мониторинги бўлими бошлиғи Зебунисо Юсупова. – Мулоқотда вилоятлар қурилиш бош бошқарма ва туманлар қурилиш бўлими бошлиқлари ҳамда бириктирилган лойиҳа ташкилотлари раҳбарларига ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва вазирликда мазкур бош режа схемалари тақдимотини ўтказиш топшириғи берилди ва графиги тасдиқланди. Бош режалар маҳаллаларнинг бош режа схемасини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида 1:2000 масштабдаги мавжуд топохариталардан, топохариталари бўлмаган ҳудудларда эса 1:2000 масштабга келтирилган "Google" хариталаридан фойдаланиш кўзда тутилди.

Ҳудудий қурилиш бош бошқармалари билан биргаликда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ишларни амалга ошириш жараёнида муаллифлик назорати олиб бориш, дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ҳамда Қурилиш вазирлигига, шунингдек, маҳаллий ҳокимлик органларига узатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларида штаблар ташкил этилиб, мутахассислар бириктирилган.

Ушбу иш жараёнларини кузатиб бориш мақсадида ҳар ҳафта пайшанба куни Қурилиш вазири бошчилигида Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари иштирокида ZOOM платформаси орқали видеоселектор йиғилишлари ўтказилмоқда.

Қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш ҳамда реконструкция қилиш бўйича бош режа схемаларида кўзда тутилиши лозим бўлган объектлар рўйхати кўчалар ва кўча олди биноларнинг кўриниши, турар жой ва нотурар жой объектларининг фасадлари, маҳалла марказлари, мактаблар, милиция таянч пунктлари, қабристонларни ободонлаштириш, кўчаларга асфальт-бетон ётқизиш каби бир қанча асосларга кўра, шакллантирилади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№29 (480) 2021 йил 16 апрель

# САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

1-бет

– Муқаддас динимиз бизни инсонпарварликни, тинчлик ва осойишталикни қадрлаб яшашга, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Мана шундай тушунча ва қараш билан ҳар бир оила ва маҳаллада, бутун жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эриша оламиз. Такрор айтаман, тинчлик ва соғлик бўлса, қолган ҳамма нарса бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Иш ўринларини кўпайтириб, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида сўз юритилди.

– Тўрт йиллик изланиш, янгиланиш ва синовлардан ўтиб, катта тажриба орттирдик. Халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Рамазон ойининг олижаноб ғоялари, муқаддас амаллари ҳам ана шундай эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда мустаҳкам замин бўлади, – деди Президент.

Қуръон оятларидан ўқилиб, дуо қилинди.

Давлатимиз раҳбари мажмуада амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Бу ерда катта масжид, тўртта симметрик минора, баланд айвонлар, йўлдан кириб келишда хиёбон бўлади. Кўп сонли зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш учун 7 та меҳмонхона, 3 та автотураргоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча барпо этилади. Шунингдек, ошхоналар, ҳунармандчилик буюмлари растаси, ҳаммом, таҳоратхона, кушхона қурилиши белгиланган.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2019 йилда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ташкил этилган эди. Қурилажак янги мажмуа улар билан мутаносибликда улкан маскан ҳосил қилади. Энди бу ерда зиёратчилар учун ҳамма шароитлар бўлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Марҳумнинг ҳақига Қуръон тиловат этилди.

Ўтганларни яхши амаллари билан эслаш, руҳларини шод этиш муқаддас қадриятларимиздандир. Уламолар билан суҳбатда Ислом Каримовнинг ана шундай инсоний фазилатлари ёдга олинди.

– Ислом Абдуғаниевич камтар инсон эдилар. Бу мақбара ҳам ўзларига муносиб бўлган. Бу ерга меҳр берганмиз. Биринчи Президентимиз бошлаган ишларни давом эттираяпмиз. Руҳлари шод бўлсин, илоҳим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Аллоҳдан юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга саломатлик тилаб дуо қилинди.

Самарқанд – қадимий шаҳар. Унинг тарихий қиёфасини сақлаш муҳим бўлганидек, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун шароит яратиш ҳам керак. Шу боис шаҳар чеккасидаги Қорасув мавзесида кўп қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Ҳозир шаҳарнинг учта ҳудудида шундай аҳоли турар жойлари ташкил этиш белгиланган бўлиб, Қорасув уларнинг дастлабкисидир. Шу вақтга қадар Самарқанд шаҳрида 12 қаватдан юқори бинолар қурилмаган. 2018 йилдан мазкур массивда замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида кўп қаватли уйлар қурилишига киришилганди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда вилоятга ташрифи чоғида бу ердаги дастлабки уйларни кўздан кечириб, янги лойиҳалар тақдимоти билан танишган эди. Ўтган даврда бу лойиҳалар ҳаётга кўчди. "Agromir Buildings" масъулияти чекланган жамияти томонидан мавзеда 16, 15, 14 ва 12 қаватли жами 47 та турар жой қурилди. Уларда 3 минг 588 та хонадон бор.

Турар жойларнинг фасади уч қаватли қопламадан иборат бўлиб, бу хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Биноларга видеокузатув тизими, юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари ўрнатилган. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланган. Уйлар эгаларига тайёр ҳолда топширилмоқда.

Умуман, Қорасув мавзесида қурилган кўп қаватли уйлар сони бугунга келиб 116 тага етди. Шунингдек, бу ерда 1 минг 600 ўринли мактаб, 120 ўринли болалар боғчаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, савдо дўконлари, ўйин ва спорт майдончалари барпо этилган.

Жорий йилда яна 7 та 16 қаватли, 2 та 25 қаватли уйлар қурилмоқда.

Мутахассислар кўп қаватли турар жойлар қурилиши бўйича концепция ишлаб чиққан бўлиб, бунда сейсмик устуворлик юқори ҳисобланади. Қорасув массиви 8 балли сейсмик ҳудудга киради. Янги биноларни қуришда бу каби техник талаблар ҳисобга олинган ҳолда, 9 балли зилзилага чидамли қилиб бунёд этиляпти.

Давлатимиз раҳбари уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларининг сифатига алоҳида эътибор қаратди. Қурувчи ташкилотнинг сифат учун масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтирадиган механизм ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

– Ривожланган давлатлардагидек уйлар қуришни ўзлаштирдик, энди хизмат кўрсатишни ҳам шунга яраша яхшилаш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Чет эл тажрибаси асосида сервис турларини кенгайтириш, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус пункт ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу ерда Самарқанд шаҳри Бош режаси ва шаҳар ҳудудини кенгайтириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Хусусан, Ширин маҳалласида 90 минг аҳоли учун янги шаҳарча лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу ерда 1 минг 788 та якка тартибдаги уй-жой бор. Янги лойиҳа бўйича турли ижтимоий соҳа объектлари, замонавий кўп қаватли уйлар бунёд этилиб, ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгаради.

Шунингдек, шаҳарнинг темир йўл орти ҳудудида жойлашган, етти мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган "Меҳнат", "Матонат" ва "Майсазор" маҳалла фуқаролар йиғинларида кўп қаватли турар жойлар, дам олиш масканлари, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши лойиҳалари ҳам ўзига хос архитектура талаблари, янгича дизайн ва қулайликларни ўзида жамлаган. Бу ишларнинг амалга ошиши билан ҳудудда 13 мингдан ортиқ аҳоли учун 208 та кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа объектлар қад ростлайди. Мақсад аҳоли учун қулайлик яратиш, инфратузилмасини яхшилаш ва Самарқандни миллионли шаҳарга айлантиришдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида барпо этилаётган туризм маркази қурилишини кўздан кечирди.

Ушбу мажмуа Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда қурилмоқда. Лойиҳага кўра, бу ерда 10 та иншоот, жумладан, конгресс холл, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари бўлади.

Айни пайтда конгресс холл, "Абадий шаҳар" карвон саройи ва 8 та меҳмонхона бунёд этилмоқда. Меҳмонхоналарнинг иккитаси 22 қаватли, беш юлдузли, қолганлари тўрт юлдузли бўлади.

Маълумки, Самарқандда меҳмонхоналар кўп бўлишига қарамай, сайёҳлар оқими кўпайганда ўринлар етишмай қолади. Масалан, 2019 йилда шаҳардаги барча отеллар банд бўлган. Давлатимиз томонидан туризм ривожига катта имкониятлар яратилаётгани, 90 га яқин мамлакат фуқароларига визасиз режим жорий қилингани сайёҳларни янада кўпроқ жалб этмоқда.

Қурилаётган марказ туристик хабга айланади. Бу ерда халқаро анжуманлар ўтказиш учун ҳам кенг шароит бўлади. Уни 2022 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президентимизга мазкур янги сайёҳлик маркази имкониятлари, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари марказ бошқарувини самарали ташкил этиш, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Самарқанднинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари тақдимот қилинди.

Самарқанд шаҳрида илк бор гастрономик кўча, Самарқанд тумани "Конигил" маҳалла фуқаролар йиғинида юртимиздаги биринчи туризм қишлоғи ташкил этилди. Бундай масканлар сайёҳларнинг вилоятда қолиш вақтини узайтириш билан бирга, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига даромад манбаи яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур туристик марказни шаҳар билан боғлайдиган йўл ўтказгичини бориб кўрди, Уста Умар Жўрақулов ва Афросиёб кўчаларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги фармонига асосан ташкил этилган мазкур иқтисодий зона мавжуд хомашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, иш ўринлари очишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда "Ургут" эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошланган, уларда 4 минг 328 та киши меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналар томонидан газ плиталари, енгил саноат ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган.

Президентимиз иқтисодий зона ҳудудидаги "Kamalak Tekstil" корхонаси фаолияти билан танишди. Ургут туманининг Мерганча массивида жойлашган ушбу ширкатда гилам ва тафтинг, ковролин маҳсулотлари, синтетик ип ва сунъий чим ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонага Бельгия, Швейцария, Австрия, Франция ва Германия давлатларининг замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлари ўрнатилган. 328 та иш ўрни яратилган. Ўтган йили бу ерда тайёрланган 170 миллиард сўмлик маҳсулотнинг 59 фоизи ички бозорга, 41 фоизи хорижга сотилган. Жорий йилда 7,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиб, иш ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент "Сам электро сервис" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

Корхона "Идеал" бренди остида йилига 260 минг дона электр духовка, 150 минг дона газ плиталари ва улар учун қўшимча буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Унга Германия, Туркия ва Хитойдан замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилган.

2020 йилда умумий қиймати 58 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг 32 фоизи хорижга экспорт қилинган. Жорий йилда 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Маҳсулот турларини кенгайтириш, замонавий электр техникалари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

"Ургут" эркин иқтисодий зонасида айни пайтда қиймати 90 миллион долларлик 29 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида яна 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, қиймати 144 миллион долларлик 21 та қўшимча лойиҳа шакллантирилган, 206 миллион долларлик 33 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий зона имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги ва истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шу ерда самарқандлик нуронийлар билан мулоқот бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги "Sag Agro" масъулияти чекланган жамиятининг "In vitro" лабораториясини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш мақсадида лабораториялар ташкил этилмоқда. "Sag Agro" масъулияти чекланган жамиятининг лабораторияси ана шундай замонавий мажмуалардан бири.

Умумий қиймати 2,6 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа 2019 йил ишга туширилган. Натижада илгари хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини маҳаллий шароитда тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бу усул икки жиҳатдан жуда муҳим. Биринчиси, четдан келтирилаётган кўчатлардаги турли касалликларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олди олинади. Иккинчиси, маҳаллий лабораторияда етиштирилган кўчатлар хорижникига нисбатан бир неча баробар арзон бўлади. Масалан, шу пайтгача чет элдан олиб келинган ёнғоқ кўчатининг бир донаси 5 доллардан 20 долларгача бўлган бўлса, бу ерда етиштирилаётгани 3-3,5 долларни ташкил этади.

Агрокимё ва тупроқшунослик лабораторияси ҳам ишга туширилган бўлиб, тупроқ, сув ва барг намуналарини ўрганиш йўлга қўйилган. Бунинг самарадорлиги шундаки, боғдорчилик хўжаликларининг тупроқ шароити ўрганилиб, унга мос кўчатлар тавсия қилинади. Натижада кўчатлар хатосиз униб, мўл ҳосил етиштирилади.

"In vitro" учун 24 гектар ер ажратилган бўлиб, 2 гектарда замонавий иссиқхона барпо этилган. Яна 3 гектар майдонда янги иссиқхона қуриш режалаштирилган. Қолган майдонда эса мамлакатимизда учрамайдиган 65 хил мевали дарахтлар кўчати олиб келиниб, парвариш қилинади.

Лабораториянинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 миллиондан 20 миллион донагача пайвандтаг ҳамда пайвандланган кўчатлар етиштириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ёнғоқ, бодом, шафтоли, гилос, ўрик, нок, олма каби экспортбоп меваларнинг касалликдан холи, иқлим шароитимизга мос кўчатлари етиштирилмоқда.

– Бу қўшилган қиймат яратишда инқилобий усул. Биз ўттиз йил шунга интилдик. Илмий ёндашув билан самарадорликни ошириш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил 2 миллион дона турли мевали ва манзарали кўчат етиштириш режалаштирилган. Йил якунига қадар, шунингдек, 500 минг дона ёнғоқ ва бодом кўчатларининг истиқболли мева пайвандтаглари қилинади.

Лаборатория 2024 йилда тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобига бу ерда йилига 20 миллион дона кўчат етиштириш йўлга қўйилади. 2023 йилдан кўчатлар экспортга чиқарилиши режалаштирилган. Ушбу лаборатория ва иссиқхонада 140 та янги иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ёш мутахассислар билан суҳбатлашди.

– Келажагимиз – сизларнинг илмингиз. Ҳозирги давр талабини кўраяпсизлар. Мен ёшлар форумида айтганимдек, илм ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик. Шундай экан, кўпроқ ўқинглар. Бугун қайси ёш ўзини қийнаб, билим олиб, тажриба орттирса, келажакда албатта натижаси бўлади, – деди Президент.

Шу ерда вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистонда пистанинг янги серҳосил 12 нави яратилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўрмон хўжалиги тизимида павлония етиштириш ҳажми кенгайтирилиб, ундан мамлакатимизда биринчи марта мебель ишлаб чиқарилди. Павлониянинг лаванда, годжи каби маҳаллий иқлим шароитида мос 8 та турини етиштириш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари павлония дарахти етиштиришни кўпайтириш, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, зарур маблағ ажратиш бўйича топшириқ берди.

Ўрмон хўжалиги ерларини келгусида узоқ муддатли ижарага бериш орқали маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# Бунёдкорлик майдонига айланган Самарқанд

## халқаро анжуманга пухта ҳозирлик кўрмоқда



1-бет

Табаррук масканга ташриф буюрадиган меҳмон, сайёҳ ва зиёратчи дастлаб темир йўл вокзали ёки аэропортга қадам қўяди. Шунинг учун мазкур иншоотларни жаҳон андозалари даражасида қайта қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Самарқанд темир йўл станциясида очилган дастлабки туристик бекат ҳам ана шу мақсадни ўзида мужассамлаштирган. Бу ерга кирган хорижлик меҳмон керакли барча маълумотни олиши, зарур буюртмалар бериши, транспорт ва таржимон хизматларидан бемалол фойдаланиши мумкин.



Самарқанднинг ҳаво дарвозаси номини олган аэропортда амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳақида ҳар қанча ғурурланиб гапирсак арзийди. Чунки мазкур иншоот энг замонавий лойиҳалар асосида қайтадан барпо этиляпти. Очиқ турган китоб шаклини эслатадиган, соатига 600 кишини қабул қилувчи тўрт қаватли улкан терминал, учиш-қўниш йўлаклари, кенг ангар, йўловчиларга хизмат кўрсатадиган янги биноларни кўриб, ҳайратга тушишингиз аниқ.



Саммит ўтказиладиган асосий манзил – эшкак эшиш канали ҳудудидаги бунёдкорлик ва яратувчилик ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Гап шундаки, мазкур қадамжода бир-биридан улуғвор қатор объектлар қуришга киришилган бўлиб, улар анъанавий ва замонавий меъморчиликнинг нодир намунаси сифатида эътироф этилаётир. Ландшафт архитектурасининг ноёб кўринишларини ўзида мужассамлаштирган ҳудуд беқиёс чирой очмоқда. Мукаммал меъморий ечимга эга олтита меҳмонхона, дендропарк, аквапарк, ресторан, кафелар, спорт майдончалари, савдо мажмуалари қад ростлаб, яхлит "Самарқанд сайёҳлик маркази" деб номланяпти.

360 гектар майдондан иборат ҳудудга олиб борадиган йўлларни замонавий усулда қайта қуриш ва таъмирлаш ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Бунинг учун Уста Умар Жўрақулов кўчасидаги анчагина ҳовлиларни бузиш, эгаларини бошқа жойга кўчиришга тўғри келди. Эндиликда электромобиллар қатновига мўлжалланган йўл, пиёдалар йўлаги ва велойўлаклар барпо этиляпти. Канатли йўл қурилишини италиялик моҳир усталар ўз зиммасига олган, Тошкент–Термиз автотрассаси ва Обимашҳад ариғи устидан ўтувчи йирик кўприклар қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Ибн Сино, Рудакий, Бўстансарой кўчаларида амалга оширилаётган ободликдан кўз қувнайди.



**Суратларда:** Самарқанд шаҳрида бунёд этилаётган иншоотлар лойиҳалари.

Саммит муносабати билан шаҳарда мураккаб ечимга асосланган муҳандислик иншоотларини барпо этиш ишлари бошлангани айни муддаодир. Транспорт тирбандлигига барҳам бериш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки, уч ярусли йўллар, туннель ва йўлўтказгичлар қурилаётганини давр тақозоси, дейиш мумкин. Рудакий ва Бўстонсарой кўчалари кесишмасида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг "Кўприк қурилиш трести" УК томонидан бунёд қилинаётган туннель ана шундай иншоотлардан биридир. Лойиҳага кўра, 534 метр узунликдаги йўлўтказгичнинг 93 метри туннелдан иборат. У ерда пиёдалар учун ҳам ер ости йўлаги бўлиши кўзда тутилган.

Кўп қаватли уй-жойларни тиклаш юзасидан "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари бўйича ишлар вилоятнинг ҳамма жойида кенг қулоч ёзганини таъкидлаш жоиз. Бугун Самарқанддаги бунёдкорлик ишларида нафақат миллий манфаатлар, балки халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган таклифлар, меъёрий ҳужжатлардаги тавсиялар ҳам ҳисобга олинмоқда.

Меҳмонлар ташриф буюрадиган осори-атиқаларга бой музей ва меъморчилик обидалари рисоладагидек кўриниш касб этишига астойдил киришилган. Регистон ёдгорликлар мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Афросиёб музейи, Улуғбек расадхонаси таниб бўлмас қиёфага кирмоқда. Ҳадис илмининг султони Имом Исмоил ал-Бухорий комплекси тубдан реконструкция қилинаётгани мусулмон олами зиёратчиларининг унга бўлган қизиқишини янада ошириши шубҳасиз.

Хуллас, Саммит муносабати билан Самарқанд бугун улкан бунёдкорлик ва яратувчилик майдонига айланган. Булар ўз навбатида, вилоятдагиларнинг республикамиз Мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб тўёнаси бўлиши билан бирга, "Миллионли шаҳар" номини олиш йўлидаги дадил қадамнинг ёрқин ифодасидир.

18 апрель – Халқаро ёдгорликларни ва тарихий жойларни асраш куни

# Очиқ осмон остидаги олтин мерос

Абдасами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Ozbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимиз азалдан маънавий бой, тарихий ва археологик ёдгорликлар мажмуи қарор топган улуғ гўшалардан бири ҳисобланади. Ҳозир қайси вилоят ёки туманга қадам ранжида қилманг, энг аввало, маҳобати, гўзаллиги ва меъморчилик санъати билан ўзига мафтун айлайдиган миноралар, ёдгорликларни кўрасиз. Асрлар ошса-да, ўзлигини сақлаб келаётган бундай бунёдкорлик обидаларининг ижодкорлари шу заминда яшаб ўтган аждодларимиз эканидан ғурурланасиз.**



Афсуски, ана шундай осори атиқаларнинг қадрига етмасдан, авайлаб-асрашга етарлича эътибор берилмади. Ўша вақтларда "эскилик сарқити" деб қанчадан-қанча бетакрор обидалар боболаримизнинг жисмига қўшиб тупроққа қорилди. Хайриятки, Мустақиллик бор экан, унинг имкониятлари туфайли барчаси қайта тикланмоқда, қандай бўлса, шундайлигича сайқал берилиб, халқимизга етказиляпти.

Ёдгорликларни тиклаш ҳамда таъмирлаш, муқаддас қадамжоларни файзли жойларга айлантириб, саёҳатчилар баҳра олиши, маънавий меросимизни ўрганиши ва келажак авлодларга ўзлигича етказишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилгани сизу бизнинг бахтимиздир.

Шунингдек, давлатимиз ҳудудидаги дунё цивилизациясида катта ўрин тутган, асрлар давомида таркиб топган тарихий шаҳарларни, минглаб меъморий ёдгорликлар, шу жумладан, икки мингдан ортиқ меъморчилик обидаларни, уч мингдан зиёд археологик, мингдан ортиқ тарихий монументал санъат ёдгорликларини ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда авайлаб-асраш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Маданият, илм-фан соҳаларида ўчмас из қолдирган миллатимиз вакиллари, олис ўтмишдан, бунёдкорлик ва бошқа соҳаларда эришилган ютуқлардан далолат берувчи қадимий ва навқирон Самарқанд, Қарши, Хива, Бухоро, Термиз ҳамда Тошкент, Марғилон сингари шаҳарларнинг юбилейлари дунё эрксевар халқлари орасида кенг нишонланиши ҳам биз киммиз, қандай буюк кишиларнинг ворисларимиз ва қандай заминда умргузаронлик қилаётганимизни ер юзи миллатларига англатиб туради.

Давлатимизнинг буюк аждодларимизга эҳтироми, тарихий шаҳарларимизга эътибори натижасида Бухородаги X-XII аср ёдгорликлари, Сомонийлар мақбараси, Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Самарқанддаги XIV-XV аср ёдгорликлари – Соҳибқирон Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним жоме масжиди ва бошқа кўпгина обидалар, Шаҳрисабздаги XIV-XV асрларда бунёд этилган Оқсарой арки, Дорус-Саодат мажмуаси, бетакрор безаклари ила дунё тадқиқотчиларини лол қолдираётган Хива шаҳридаги XIV-XVII асрлар ёдгорликлари – Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тошҳовли, Қўқондаги Худоёрхон ўрдаси, Қаршидаги Кўк-Гумбаз мажмуаси, Одина масжиди, Бекмир, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари, Ўрта аср кўприги ҳамда бошқа барча обидалар замонавий таъмирланиб юртдошларимизнинг мулкига айлантирилди.

Шулар баробарида мамлакатимизда илм-фан, маданият, фиқиҳ, бунёдкорлик ва давлатчилик ишларига муносиб ҳисса қўшган алломаларнинг ўчмас хотираси ҳамда асарларига ҳурмат кўрсатилиб, Самарқандда Имом-ал Бухорий, Имом-ал Мотуридий, Фарғона ва Қувада Аҳмад-ал Фарғоний, Марғилонда Бурҳониддин ал-Марғиноний мақбараси, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темур, Тошкентда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалолиддин Мангуберди, Термизда Алпомиш, Андижонда Бобурнинг муаззам ҳайкаллари қад ростлади.

Шу жумладан, пойтахтимиздаги маданий меросни ўзида мужассамлаштирган Ҳазрати Имом (Хастимом) меъморий ёдгорлик мажмуаси мутлақо қайтадан тикланиб, халқимиз ҳамда сайёҳларга қулайликлар яратиляпти. Унинг таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх, Намозгоҳ масжидлари каби обидалар тикланиб, зиёратгоҳ масканга айлантирилди.

Истиқлол берган улкан имкониятлардан бирининг аҳамияти шундаки, у дунё харитасида хиралашиб қолган Ўзбекистонни янги, жаннатмонанд Ўзбекистон даражасига олиб чиқди, олтин ҳеч қачон зангламаслигини эса тарихни қайтадан тирилтириш орқали исботлаб берди, бетакрор меросларимиз билан ватанимизни ер юзи халқларига танитди. Яна бир ҳақиқатни айтиш керак, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ниҳоясига етгани ёки тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг мазкур масалага алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли изчиллик ва узвийлик туси берилган.

Масалан, Президентимизнинг "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги яқинда қабул қилган фармонида маданий меросни сақлаш, тиклаш борасида бир қатор вазифалар белгиланган, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб моддий-маданий мерос объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш, лойиҳалаш бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва ушбу соҳага етакчи мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида маданий мерос объектларини асраш факультетларини ташкил қилиш, Бухоро архитектура ва қурилиш коллежида Маданий мерос объектларини асраш йўналишининг ташкил этилиши ҳам юртимизнинг бой маданий меросини келгуси авлодга етказишдаги саъй-ҳаракатлардан бири дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, моддий-маданий меросимизнинг қайта тикланиб, сайқал топаётгани шаҳар ва қишлоқларимиз ҳуснига узукка кўз қўйгандек ярашмоқда. Улар биз кимларнинг авлодлари эканимизни, маданий баҳра олиб, келажакка бекаму кўст етказишимизни ҳар сонияда эслатиб, барчасига жиддий эътиборли бўлишимиз учун масъулиятимизни янада ошириб туради.

# Обод қишлоқларда орзулар рўёби

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қашқадарё вилоятида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бўйича 2021 йилда 2 та шаҳар ва 13 туманда, 4 та маҳалла ҳамда 26 қишлоқда кенг қамровли қурилиш ишлари олиб борилиши режалаштирилмоқда.**

Дастур доирасида барча қишлоқлардаги 468,7 километр йўллар таъмирланади. Шундан 178,2 километр асфальт бетон қоришмаси билан таъмирланса, 290,5 километр йўл эса қум ва шағал аралашмаси ёрдамида обод этилади.

Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда аҳолини узлуксиз газ билан таъминлаш мақсадида, 7 километр 200 метр газ қувури реконструкция қилиниб, мавжудлари тартибга келтирилади. 97 та газ тарқатиш пункти қурилиб, 1139 та суюлтирилган газ баллони етказиб берилади. Шунингдек, электр энергиясида ҳам узилишлар бўлмайди. Бунинг учун 334 километр масофадаги тармоқлар таъмирланиб, 400 та трансформатор реформация қилинади ва янгидан ўрнатилади. Тоза ичимлик суви учун 394 километр янги тармоғ тортиляпти. Натижада дастур доирасида 27 минг 700 та хонадонда яшаётган аҳолининг коммунал шароити яхшиланади.

Вилоятда 42 та мактаб, 10 та мактабгача таълим ташкилоти, 24 та тиббиёт муассасаси, спорт майдончалари, савдо, маиший хизмат, ҳаммом сингари ижтимоий инфратузилма объектлари, 170 та тадбиркорлик субъекти ҳам ташкил этилиши белгиланган.

Жиззахдан дараклар

# Янги объектлар қурилди

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сайёрамизда йилига 8,6 миллион киши сил хасталигига чалинмоқда. 1 миллиондан ортиқ бемор эса унинг турли асоратлари туфайли вафот этади.**




Мамлакатимизда ҳам бу касалликнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволашнинг замонавий усулларини татбиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жиззах вилоятининг Зомин туманида замонавий шарт-шароитларни ўзида мужассам этган фтизиатрия диспансерининг қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилгани бунга мисолдир.

– Биномиз қурилганидан шу пайтга қадар жорий ёки капитал таъмирланмаган эди, – дейди фтизиатрия диспансери бош шифокори Умид Содиқов. – Шунингдек, йигирма ўринга мўлжалланган дориларга чидамли силни даволашга ихтисослашган бўлим ва унинг янги биноси қурилди. Хоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, алоҳида санузелларга эга бўлди. Бундан ташқари, ошхона бўлимлари, рентген хонаси, кирхона ва дизокамера бўлимлари ҳам иш фаолиятини бошлади. Шу пайтга қадар шифохонада ичимлик сув таъминоти муаммоси мавжуд эди. Ҳозирда у ҳам бартараф этилди.

11 млрд 290 млн сўм маблағ эвазига капитал таъмирланиб, қайта қуриш ишлари олиб борилган диспансер Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1 млрд 965 млн сўмлик замонавий рақамли рентген, автоматик биохимик ва гемотологик анализаторлар, кислород концентратори каби тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

---

**Маданий-маърифий тадбирлар халқимизга доим маънавият улашган. Бунда ҳудудлардаги маданият марказларининг ўрни катта. Бой тарихи, халқ этнографик ансамбллари билан машҳур Ғаллаоролда янги ва замонавий бинога эга Маданият маркази иш бошлади.**

Айтиш жоизки, бу жойда маданият ва санъатга қизиқиш доим юқори бўлган. Масалан, туман маданият бўлими бир пайтлар "Олтинбошоқ", ва "Мақом" ансамбли билан машҳур эди. Кейинги йилларда давлатимиз ана шу соҳани янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг шарофати билан тумандаги Қўйтош шаҳарчасида 2019 йил янги муҳташам Маданият маркази фойдаланишга топширилган эди. Энди ана шундай масканлар яна биттага кўпайди. Собиқ кинотеатр биноси мукаммал таъмирланиб, Маданият маркази сифатида фойдаланишга топширилди.

Унинг очилишида аҳолининг маданий дам олиши учун хизмат қилиши таъкидланди. Шуни айтиш кераккки, 18 йил давомида туман маданият бўлими ходимлари ўз биносига эга бўлмаган ҳолда, турли жойларда, ноқулай меҳнат шароитларида самарасиз фаолият кўрсатиб келди. Энди замонавий кўринишда қад кўтарган ушбу масканда ходимлар ва санъатга қизиқувчи ёшлар учун барча қулайликлар яратилган.

– Марказнинг очилиши санъаткорлар ва туман маданият ходимлари учун чинакам байрам бўлди. Бу ерда кўплаб инсонлар меҳнат фаолиятини олиб борган. Туманимизда тўртта халқ ансамбли унвонига эга жамоа бор. Жумладан, "Олтинбошоқ" халқ ашула ва рақс ансамбли кўплаб танловларда қатнашгани биз учун фахр албатта. Келажакда бундай ансамбллар фаолиятини ёшларимиз давом эттиришларига ишонаман, – деди биз билан суҳбатда меҳнат фахрийси Саидбаҳром Файзуллаев.

Янги Маданият марказида 19 турдаги тўгаракларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилган ва зарурий моддий-техника базаси мавжуд.

# Шуманайда Давлат хизматлари биноси иш бошлади

Марат УЛПЕТОВ,
"Ozbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тезкорлик, осон ва қулай шароит деган тарифларни жойларда давлат хизматлари марказларига нисбатан қўллаш мумкин.**

Эндиликда ушбу сифатлар қаторига кўркам ва шинам тушунчалари ҳам қўшилмоқда. Зеро, бу имконият ва қулайликлар негизида инсон манфаатлари мужассам. Қорақалпоғистоннинг Шуманай тумани давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилиши фикримиз далилидир. Мазкур марказ фуқаролар ва тадбиркорларга юздан ортиқ давлат хизматларини кўрсатиш имкониятига эга.

Ҳар қандай бино ва иншоотлар қурилишида унинг меъморий ечими муҳим аҳамият касб этади. Шуманайдаги марказ қурилишида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур бино энг замонавий ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланди. Энди давлат хизматлари кенг, ёруғ ва шинам хоналарда кўрсатилади. Марказ биносида аҳоли учун бир вақтнинг ўзида 150 га яқин тезкор хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Кутиш жойлари, мўъжазгина кутубхона, болалар майдончаси, буфет, туман адлия бўлими, инвесторлар учун алоҳида хона ва банк шохобчаси ташкил этилди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун махсус бурчаклар ҳам бор. Шунингдек, марказ биносида Бош вазир қабулхонаси ва туман ФҲДЁ бўлими ҳам жойлашган.

Шу куни туман марказидан 25 км олисда жойлашган Қарабайлы маҳалласида ҳам давлат хизматлари маркази филиалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу маҳалла учун ҳам, яқин атрофдаги Бегжап ва Бирлешик овулидаги 16 мингга яқин фуқаролар учун ҳам эндиликда анча йўл босиб туман марказига боришга ҳожат қолмади.

# Ҳаётбахш дастурлар доирасида

Зуҳриддин АҲАДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида жойлашган 10 та маҳаллани ободонлаштириш, ҳудудларни санитар тозалаш ва одамлар учун қулай инфратузилмани яратиш бўйича махсус штаб ташкил этилди.**

Ишчи гуруҳи томонидан "Ҳамид Олимжон" МФЙда "Обод маҳалла" давлат дастури доирасида бажарилган ва келгусида режалаштирилган ишлар тақдимоти ўтказилди. Маълумотларга кўра, айни кунда ушбу маҳаллада 720 та хонадон, 860 та оила, 3 минг нафардан зиёд аҳоли яшамоқда. Тегишли идора ва ташкилотлар масъулларидан иборат гуруҳнинг ўрганишларидан сўнг маҳалладаги ички йўлнинг 11,2 километр қисмини асфальтлаштириш, 107 та симёғочни алмаштириш, эскириб, яроқсиз ҳолга келган 1 та трансформаторни янгисига алмаштириш, 5 та трансформатор ва мавжуд ГРП – газ тақсимлаш ускунасини ҳамда ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш тадбирларини олиб бориш юзасидан амалий ишга киришилди.

– Ҳудудимизда кўп хонадонли, икки қаватли уйлар бўлиб, улар таъмирга муҳтожлиги сабабли зарурий чоралар кўрилди, фасад қисмига ҳам бунёдкорлар яхши ишлов беришди, – дейди Абдурауф Фитрат номидаги МФЙ раиси Файзулло Нарзуллаев.

# Туманлар марказида кўп қаватли уйлар

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"Ozbekiston bunyodkori" мухбири.

**Президентимиз Наманганга ташрифи жараёнида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан катта вазифаларни белгилаган эди. Айниқса, аҳоли учун турар жойлар қуриш устувор масала сифатида кун тартибига қўйилгани диққатга сазовордир.**

Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Чортоқ туманидаги "Дўстлик" МФЙ ҳудудида 12 та беш қаватли уй қурилиши бошланди. Уларда 240 та хонадон бўлади.

Бундан ташқари, Коροскон ва Ойқирон маҳаллаларида ҳам етти ва тўққиз қаватли уйлар бунёд этилади. Шу йил охиригача қад кўтарадиган мазкур турар жой биноларидаги хонадонларга 380 та оила кўчиб киради. Шунингдек, Уйчи тумани марказида ҳам кўп қаватли уйлар қурилиши бошланди. Беруний номли маҳалла ҳудудида эса 9 та беш қаватли турар жой биноси қад кўтаради. Уларда 220 та хонадон бўлади ва бу уйлар йил охирига қадар фойдаланишга топширилади.

Бунёдкорлик ишлари Учқўрғон туманидаги "Деҳқонобод" маҳалласида ҳам жадал бормоқда. Бу жойда 60 хонадонли, беш қаватли бино қурилиши бошланди. Уйлар аҳоли учун қулай ва шинам бўлишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Нафақат ички, балки ташқи дизайн ҳам замонавий талабларга жавоб бериши таъминланади. Болалар ва воркаут майдончалари, яшил зоналар барпо қилинади. Айнан шу ҳудудда яна саккизта беш қаватли уйлар тикланиши режалаштирилмоқда. Уларнинг ярми "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ, қолганлари эса тадбиркорлар томонидан бунёд этилади.

# Муҳтожлар ҳеч қачон четда қолмайди

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги "Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижроси юзасидан брифинг ташкил этилди.**

Бугунги кун ҳолатига кўра, туманда истиқомат қилувчи 1400 га яқин фуқаролардан аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 200 га яқин фуқароларга давлат бюджетидан субсидия бериш тўғрисида комиссиянинг хабарномалари тақдим этилган. Брифинг давомида 30 га яқин фуқаролардан берилган савол ва мурожаатларда кўтарилган асосий масалалар бўйича атрофлича тушунчалар берилди. Ушбу мурожаатларнинг асосий қисмини субсидия олиш учун топшириладиган ҳужжатлар, субсидия олиш тартиби, ипотека кредитларини расмийлаштириш ҳамда тўпланадиган баллар ва ижтимоий мезонлар ташкил этди.

– Туман ҳокимлиги ва "Капиталбанк" АТБ ҳамкорлигидаги "маҳаллабай" ўрганишлар жараёнида Олтинтепа маҳалласида истиқомат қилаётган Саодат Раҳматиллаева "Темир дафтар"га киритилган бўлиб, вояга етмаган 3 нафар фарзанди онасининг қарамоғида, амакилари билан бир хонадонда 28 нафар киши истиқомат қилаётгани аниқланган, – дейди Мирзо Улуғбек тумани Ахборот хизмати раҳбари Маъмур Фармонов. – Уларнинг аҳволи тўлиқ ўрганилгач, Камолот маҳалласидан алоҳида уй берилди.

Кўп йиллик қийинчиликлардан сўнг орзулари ушалган Саодат опанинг қувончи чексиз. Зеро, уй-жойга муҳтож фуқароларни ўзининг доимий турар жойлари билан таъминлаш мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Танишинг, янги рукн

# Янги лойиҳалар

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кенг кўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида юртимиз кундан-кун кўркамлашмоқда. Ҳар қадамда янги архитектура намуналари ва замонавий дизайн асосида яратилаётган иншоотларни кўриб кўз қувнайди. Албатта, иморатнинг бетакрор кўринишида унинг лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга. Газетамизда ташкил қилинган янги рукн орқали жойларда бунёд этилиши кўзда тутилаётган замонавий лойиҳалар билан танишиб борасиз.**





Бугунги сонимиздан “Замонавий мактаблар” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган лойиҳаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига кўра, юртимиздаги 50 фоиз мактаблар “Замонавий мактаб” даражасига келтирилади. Уларни экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида қуриш мўлжалланмоқда. Мактабларни, шу жумладан, ўқув синфларини янги ва қулай мебеллар, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, дарсликлар, ўқув-услубий материаллар, компьютер, мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

**“Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими соҳасида инжиниринг компанияси” ДУК буюртмасига кўра, яратилган 176 ўринли мактаб лойиҳаси қуйидагича:**

**Лойиҳачи:** “Soorujenie-proekt” МЧЖ.

**Лойиҳа бош меъмори:** А. Раҳмонов.

176 ўринга мўлжалланган 11 йиллик умумтаълим мактабида ўқув синфлар сони 11 та, ҳар бир синфда 16 нафардан ўқувчи бўлиши белгиланган. Ҳар бир бола учун ажратилган майдон 1,9 $м^2$дан иборат. Бино 3 қават қурилади.

**Умумий қурилиши керак бўлган иншоотлар:** мактаб биноси, қозонхона, кўмирхона, ҳожатхона, 12х24 ҳажмдаги мини-стадион, йиғилиш майдончаси, автотураргоҳ, чиқинди контейнери.

**Қурилиш бўйича умумий маълумот:** иншоот пойдевори монолит темир-бетон, девори ФБС йиғма пойдевор блокдан. Устун (колонна)лари монолит темир-бетон ва ташқи деворлар 200 мм қалинликдаги газобетондан иборат. Металл ўзаклар билан кучайтирилиб, пардевор (перегородка)лар 100 мм, ҳар иккала томондан 2 қаватли гипсокартондан қурилади. Ҳожатхоналар 120 мм ғиштдан. Том ёпмалари (ўқув биносида) йиғма темир-бетон думалоқ ғовакли плиталар, том қисми (ўқув биносида) ёғоч каркаси устидан прифолланган полимер бўёқлар билан қопланган пўлат листлардан иборат. Ички деворлари гипсокартондан, том ёпмаси (спорт залида) металл фермалар ва том қисми (спорт залида) 200 мм қалинликдаги (2 қават рухланган “оцинкованный”) ёнмайдиган базальт типидаги минерал толали сендвич панелидан иборат. Зиналар темир-бетон, поллар керамик плита, цементли қоплама, “Релин” ва спорт линолеумидан иборат. Деразалар пластик (кўп камерали профиль) стеклопакет ва эшиклар МДФ, темир эшик, алюмин профилларидан ясалади.

**Ташқи пардоз:** цоколь (ер ости қисми), зина ва тўсиқлар цемент-қумлик сувоқ, “Кўксарой” грантлари билан қопланади. Деворлар 50 мм қалинликдаги “ППЖ-175” минерал толали иссиқ сақловчи қопламали сувоқда пардозланади. Фасад бўёқда бўялади. Подоконниклар рухланган тунукадан, тягалар металл конструкциялар каркасига алюмин копозит панели билан қопланган бўлади.



**Ички пардози:** деворлар учун яхшиланган сувоқ, сувли эмульсияли бўёқлар, керамик плиталар ишлатилади. Шифтлар гипсокартон плиталар билан қопланиб, яхшиланган сувоқ ва сувли эмульсияда бўялади.

**Қурилиш объекти бўлинмалари:** мактаб биноси 2 блокдан иборат.

**1-блок.** 2 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 12х24 метр, қаватнинг баландлиги 3,6, 6,8 метр 1-қаватида ошхона ва овқатланиш зали, ўғил ва қиз болалар меҳнати устахонаси, логопед ва психолог хонаси, 2-қаватида 12х24 метр ўлчамдаги спорт зал жойлашган.

**2-блок.** 3 қаватли, тўртбурчак шаклда, ўлчамлари 15,3х27,6 метр, баландлиги 3,6 метр. 2-блокнинг 1-қаватида танбур ва вестибюль, кутубхона китоб сақлаш хонаси билан, “STEAM лаборатория”, фаоллар зали, директор ва ўқитувчилар хонаси, ҳожатхоналар жойлашади. 2-қаватда шифокор хонаси, синф хоналари, коворкинг ва информатика хонаси, спорт залининг ёрдамчи хоналари мавжуд. 3-қаватда ўқув синф хоналари, директор ўринбосари хонаси жойлашган.

Барча биноларнинг оралиқ масофалари амалдаги ёнғин хавфсизлиги норматив ҳужжатларига мос равишда лойиҳалаштирилган. Хоналарни ёнғин ўчириш ва автоматик ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозлаш талаб қилинмайди.

Умумий майдон – 1781,1 $м^2$.
Фойдали майдон – 897,5 $м^2$.
Қурилиш майдони – 781,9 $м^2$.
Қурилиш ҳажми – 9175,6 $м^2$.

Мактаб намунавий лойиҳаси функционал характеристикаси бўйича атроф-муҳит учун зарарли таъсири йўқ. Сув таъминоти қувурлари ва канализация тизимларининг ҳисоб-китоби КМК 2.04.01-98 талабларига мувофиқ бажарилган. Мактаб электр таъминоти 380/220Вли паст кучланишли иккита кириш кабелидан таъминланади. Ёнғин сигнализацияси бинонинг 1-қаватида вахтёр олдида полдан 1,3 метр баландликда жойлашган “Гранд магистр-10” приборидан амалга оширилади.

# Шаҳарсозлик кодексининг 4-моддаси нима ҳақида?



Ушбу модда шаҳарсозлик принциплари ҳақида бўлиб, унда республикамизни янада ривожлантириш, яшаш учун қулай шароит яратиш, инсон саломатлигини асраш, атроф-муҳит ва маданий меросимизни авайлаш хусусида сўз боради. Шунингдек, қурилишда хавфсизлик ва сифат биринчи даражада бўлиб, бу борада жамоатчилик фикри муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланган.

### ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

- шаҳарсозлик соҳасида фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ва унинг қисмларини барқарор ривожлантириш;
- ҳаётий фаолият учун қулай муҳит яратиш, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга, табиий ресурсларга ва маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;
- бинолар ва иншоотлар конструкцияларининг хавфсизлиги ва ишончлилиги, уларнинг сейсмик чидамлилиги, ёнғин хавфсизлиги ва энергия самарадорлигига қўйиладиган талабларга риоя қилган ҳолда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш;
- шаҳарсозлик фаолияти ва қурилиш ишлаб чиқаришида энг яхши амалиётларни жорий этиш, қурилиш сифатини ошириш;
- ҳудудларни ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш жараёнида жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш.

# Тошкент воҳасининг тоштахти – ОҲАНГАРОН



**Жорий йилнинг 15 апрель куни Оҳангарон шаҳридаги “Оҳангаронцемент” АЖ заводига оммавий ахборот воситалари учун пресс-тур уюштирилди.**

Республикамизнинг саноат ва индустриал марказларидан бири ҳисобланган мазкур ҳудудда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида энг йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган завод фаолияти йўлга қўйилди. “Оҳангаронцемент” АЖ уюштирилган пресс-тур таассуротлари тўғрисидаги мақола билан газетамизнинг келгуси сонида танишишингиз мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**

# Эзгу ишлар бардавом

**Умида МУРОДХОНОВА.**

**Аҳолига сифатли давлат хизматларини кўрсатишга қаратилган ишлар давом этмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази учун янги бино фойдаланишга топширилди.**

– Бир вақтнинг ўзида мурожаатчиларга 150 дан ортиқ турдаги хизматларни кўрсатиш имкони яратилган ушбу марказ биносида электрон навбат, инфокиоск, кутиш майдони, тиббий хизмат кўрсатиш, болалар майдончаси, кафе, кутубхона, мустақил равишда электрон хизматлардан фойдаланиш учун алоҳида бурчаклар мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, бу каби қурилиш ишлари “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган ғояни амалга ошириш мақсадига қаратилгандир.

# Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Апрель ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси бошлиғи **Шерзод Содиқов,**

Андижон вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси комплаенс хизмати бош мутахассиси **Хуснидин Хасанов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича бош мутахассиси **Руслан Икромов,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази бошлиғи **Улуғбек Абдуллаев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Ниетулла Каллиев,** Кадрлар бўйича инспектор **Дильфуза Кутлымуратова,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Абдуллохон Малиханов,** етакчи инспектори **Нуриддин Жўраев,**

Сирдарё вилояти, Сайҳунобод тумани қурилиш бўлими архитектори – Давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича мутахассиси **Эркин Дусияров,**

“Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Дилфуза Карабаева,**

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси инспектори **Санжар Рамизов,** инспектор **Камронбек Саид-Азизов,**

Хоразм вилояти, Янгибозор тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Сардор Ражабов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутахассиси **Шуҳрат Джуманиязов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**




Баҳор фаслининг ушбу қуёшли кунларида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Бош режалар реализацияси мониторинги бўлими бошлиғи **Зебунисо Юсупова** ўзининг 60 ёшли қутлуғ санасини қарши олади. У киши бир неча йиллардан буён қурилиш соҳаси, хусусан ҳудудларни режалаштириш, туман ва қишлоқларнинг янада обод бўлишида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Қурилиш вазирлиги жамоаси **Зебунисо Зокировна**ни ана шу сана билан самимий муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, соҳа ривожи учун қилаётган эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443.
2649 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 01.55. Топширилди – 02.30. 1 2 3 4 5 6